

ЎЗБЕК ТИЛИДА “ҲАРАКАТ ТАРЗИ” МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ТИЗИМИ



Мунира МЕНГЛИЕВА

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

mengliyeva.munira23.04@gmail.com

Аннотация

Ўтган аср охирига қадар формал тилшуносликда кўмакчи феъл, ёрдамчи феъл ва кўмакчи феълли сўз қўшилмаси каби бир неча асосда тадқиқ этилган ҳаракат тарзи шакли нафақат грамматик категория, балки ундан ҳам мураккаброқ лисоний ҳодисадир. Зеро, тарз ифода воситалари биргина морфологик сатҳ ёки лисоний воситалар билан кифояланиб қолмай, балки, новербал, ҳатто нолисоний воситаларни камраб олади. Шунингдек, тарз ифода воситалари орасидаги маънодошлик, воситаларнинг полисемантик хусусиятлари, маъновий даражаланиши ҳам ушбу атама остида бирлашган бирликлар талқинларини янада мураккаблаштиради. Мақолада ҳаракат тарзи атамасининг келиб чиқиши, мавзунинг ўрганилиш тарихи икки-уч йирик даврга бўлинган. Ушбу ҳодисани функционал-семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш учун бир неча асослар келтирилган, ҳодисанинг маъно хусусиятларига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: ҳаракат тарзи; кўмакчи феъл; кўмакчи феълли сўз қўшилмаси; равишдош шакли; сатҳ; функционал-семантик майдон; маъновий категория; жараёнлилик категорияси; қобилят категорияси.

СИСТЕМА СРЕДСТВ ВЫРАЖЕНИЯ ОБРАЗА ДЕЙСТВИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Мунира МЕНГЛИЕВА

Магистрант

Национальный университет Узбекистана

имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

mengliyeva.munira23.04@gmail.com

Аннотация

Образ действия, который рассматривался и изучался в пределах вспомогательных глаголов и вспомогательных форм в формальной лингвистике до конца предыдущего столетия, относится не только к грамматической категории, но и представляет довольно сложное языковое явление. Ведь образ действия описывается не только морфологическими или лексическими ресурсами, но также передается множеством невербальных единиц выражения. Кроме того, их интерпретация усложняется из-за синонимии между единицами, их многозначности и семантической градации. В статье рассматривается возникновение термина и его исследование делится на несколько основных периодов. Кроме того, раскрывается ряд причин для изучения данного феномена как функционально-семантической области наряду с описанием его смысловых особенностей.

Ключевые слова: образ действия; вспомогательный глагол; словосочетание вспомогательным глаголом; наречная форма; этап; функционально-семантическая область; семантическая категория; категория продолжительности; категория способности.

A SYSTEM THAT MEANS EXPRESSION “MODE OF ACTION” IN THE UZBEK LANGUAGE

Munira MENGLIEVA

Master’s student

National University of Uzbekistan after Mirzo Ulugbek

Tashkent, Uzbekistan

mengliyeva.munira23.04@gmail.com

Abstract

Manner of action, which was regarded and investigated as an auxiliary verb and an auxiliary form in formal linguistics until the end of previous century, is not merely a grammar category, but may refer to rather complex language phenomenon. Thus, action manner is portrayed through not only morphological or lexical resources, but also it possesses variety of non-verbal and even non-language tools. As well as, their interpretation is made more complicated due to the synonymy within the tools, their polysemantic features and semantic gradation. The article considers the emergence of the term and divides its study into several major periods. Furthermore, it reveals a number of reasons for accepting the phenomenon as a functional-semantic area along with the description of its meaning features.

Keywords: Manner of action; auxiliary verb; word combination with auxiliary verb; adverbial form; stage; functional-semantic area; semantic category; category of duration; category of ability.

Тилшунослик хулосалари, бошқа фанлар қатори, доимий тадқиқотлар натижаси ўлароқ муттасил янгилашиб бормоқда. Аммо тилшунослик объекти бўлган лисон нутқда шу ҳолича, тизимли равишда воқеланмайди. Нутқ мураккаб ҳолда ҳар хил лисоний ходисаларнинг турли нолисоний омиллар билан қоришган бир бутунлик сифатида намоён бўлади. Ҳар бир тилда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам феъл, яъни ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексемалар гапнинг марказий ташкил этувчиси ҳисобланади ва қолган барча лексемалар шу марказ атрофида жамланади. Тилларнинг типологик хусусиятлари шуни кўрсатадики, ҳаракатнинг қай шаклда амалга оширилганини ифодалашга хизмат қилувчи тарз шакллари туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ўзига хос ва бетакрор ифода имкониятларидан биридир. Айтиш жоизки, ҳаракатнинг тарзи бир ёки икки турдаги воситалар билан чегараланиб қолмайди, турли маъноларни ифодалашга хизмат қилувчи ушбу воситалар тизими бу тилдаги бошқа категория ва функционал-семантик майдонлардан таркибининг кенглиги ва ўта мураккаблиги билан характерланади.

Ҳаракат тарзи атамаси ўзбек тилшунослигида нисбатан янги истилоҳ эканлиги маълум. Зеро, ўтган аср охирига қадар ҳаракатнинг тарзини ифодаловчи воситалар ёрдамчи феъл, кўмакчи феъл ва кўмакчи феълли сўз

қўшилмаси каби номлар доирасида тадқиқ этилган ва, ўз ўрнида айтиш лозимки, улар грамматик вазифасига кўра номланган (5). Бироқ, тарз ифода воситалари фақат морфологик сатҳ доирасида чекланиб қолмаслиги, балки яхлит функционал-семантик майдонни ташкил этиши тобора аниқ бўлмоқда. Тилшунос О.Шукуров ҳаракат тарзи шакллари парадигмасини тадқиқ этар ва бу тизимнинг мустақил морфологик категория эканлигини очар экан, *кўмакчи феъл* атамаси ушбу ҳодисани тўлақонли қамраб олмаслигининг икки сабабини таъкидлайди: “Кўмакчи феъл атамаси икки жиҳати билан ҳодиса моҳиятига унчалик яқин эмас. Биринчидан, маълумки, ўзбек ва қолаверса, дунё тилшунослигида лисоний ҳодисалар, одатда, ифодаланмишнинг маъноси асосида (кам ҳолларда вазифасига кўра) номланади: замон, нисбат, кишилиқ, майл каби. Шунга кўра, кўмакчи феъллар етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тарзини ифодалаганлиги боис ҳам *ҳаракат тарзи шакли* атамасини қўллаш анъанага мувофиқ келади” (5, 7). Зеро, феъл ифодасига хос бўлган бир неча воситалар, жумладан, *кесимлик шакли*, *мажҳул нисбат* ва *аниқ нисбат* каби атамалар ҳам ушбу анъанага мувофиқ истемолга киритилган. Иккинчи сабабга кўра, “ҳаракат тарзи шакли фақат кўмакчи феълдангина иборат эмас, балки равишдош шакли+кўмакчи феъл кўринишидаги мураккаб қурилишга эга бўлиб, синтетик-аналитик шаклдир. Кўмакчи феъл равишдошнинг тегишли шакли билангина бирикиб нутққа чиқади” (5, 9).

Юқорида келтирилган сабаблардан бирида муаллиф ифодаланмишнинг маъносига таянса, иккинчисида тарз шаклини ифодаловчи икки қисмнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигига асосланади. Бизнингча, *ҳаракат тарзи шакли* атамаси феълнинг турли сатҳ воситалари ёрдамида ифодаланиши мумкинлигига ҳам ишора қилади ва шу боис, масала моҳиятини кенг қўламда қамраб олади.

Таълим тизимида ушбу истилоҳ илк бор 6-синф учун “Она тили” синов дарслигида келтирилади ва “ҳаракатнинг давомийли ёки қисқалиги, мунтазам ёки узлуксизлиги, кутилмаганлиги, фоилнинг ҳаракатни бажара олиш ёки бажара олмаслиги каби ўнлаб маъно нозикликларини ифодалайди” (1, 100) дея таърифланади. Ушбу атама мактаб дарслиқларига киритилгандан кейингина унинг кўмакчи феъл истилоҳидан фарқланиши хусусида илмий тадқиқотлар олиб борила бошлади.

Гарчи ҳаракат тарзи шакллари туркий тиллар доирасида тадқиқ қилинган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида улар ўтган асрнинг ярмидан бошлаб морфологик сатҳда муайян даражада тадқиқ қилинган, холос. Бу борада тилшунос олим Азим Ҳожиевнинг “Ўзбек тилида кўмакчи феъллар” монографияси (4) мавзу доирасидаги илк ва ягона тадқиқотлардан бири бўлиб

қолди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Рус тили қолиплари асосида тадқиқ этилган ўзбек тилидаги ўзига хос ва бой бу ҳодиса андоза тилида мавжуд эмас эди. Шу боисдан унинг кенг ва моҳият эътибори билан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланган (3, 17).

Юқорида номи тилга олинган монографияда кўмакчи феълларга қуйидагича таъриф берилади: “Улар ўзи бирикиб келган феълнинг маъносига турли қўшимча маъно беради ва шу феъл билан биргаликда гап бўлаги бўлиб келади” (4, 15). Бу фикрни инкор этмаган ҳолда ва унга қўшимча равишда айтиш мумкинки, турли сатҳлардаги бошқа воситалар ҳам ҳаракатни ифодаловчи асосий феъл атрофида семантик жиҳатдан уюшиб, ўз вазифалари билан биргаликда мазкур феълдан ифодаланган ҳаракатнинг тарз маъносини турли томондан тавсифлашга хизмат қилади.

Албатта, бошқа тадқиқотчилар ҳам ушбу бирликлар доирасида ўтган асрда у ёки бу мазмундаги фикрларини баён этишган. Шунинг баробарида у турли олимлар томонидан ҳар хил номланган ҳам. Жумладан, А.Ҳожиев тарз воситаларини *кўмакчи феъл* термини доирасида ўрганган бўлса, А.Ғуломов “Феъл” монографиясида айни шаклларни “феъл+феъл” типдаги қўшма феъл деб атайди. Унинг таърифига кўра қўшма феъллар “ўз асл маъносини йўқотиб биринчи элементнинг маъносига турли қўшимча маънолар орттиради: ундаги турли оттенкаларни, бу маъноларнинг модификациясини ифодалайди” (7, 77). Албатта, бу қараш ўз даври, ўзбек тилшунослигининг илк шаклланиш босқичи учун хос бўлиб, бугунги кунда лингвистик “архаизмлар” сирасидан жой олган. Шу ўринда, А.Ғуломов ва Б.Жўраев тадқиқотларида ҳаракатнинг тарзини ифодаловчи ушбу морфологик ҳодисалар илк бор изчил тизим сифатида қаралганлигини айтиб ўтиш зарур. Аммо у масаланинг кун тартибига қўйилиши даражасида эди, холос. Тарз ифода воситалари бўйича бажарилган ва морфология доирасидан ташқарига чиқмаган тадқиқотларда кўмакчи қурилманинг феъл асосига қўшилиш ёки қўшилмаслигига кўра уч тури, яъни аналитик, синтетик ва синтетик-аналитик кўринишлари фарқланган.

Ижтимоий эҳтиёж, давр ва замонавий ўзбек тилшунослиги тараққиёт даражасига кўра лисоний ҳодисалар талқинида илмий “биқиқлик”дан чекинилиб, ҳодисалар сатҳлараро боғланишда, лисоний ва прагматик омиллар яхлитлиги назаридан ўрганила бошлади. Мавзу доирасида амалга оширилган ишлар орасида О. Шукуровнинг “Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси” мавзусидаги тадқиқоти алоҳида эътиборга молик (5). Гарчи олим ушбу ҳодиса талқинида морфологик сатҳдан ташқарига чиқмаган бўлса-да, чиқиш эшикларига ишора қилишининг ўзи катта ҳодиса эди.

Мазкур ишда ҳаракат тарзи шаклининг ўзи система эканлиги, шу билан бирга, барча ҳаракат тарзи шакллари ҳам структур боғланган йирик тизим сифатида мавжудлиги, бу тизимда грамматик маъно умумийлик-хусусийлик боғланишида мавжулиги диққат марказида туради. Унда шакллар ўзаро приватив асосда зидланиши, шунингдек, бу сирада даражаланиш қонунияти амал қилса-да, уларни ҳар доим ҳам бир асос – луғавий маънонинг йўқолишига кўра даражалаш имконсиз деган хулосага келади: “Ҳаракат тарзи шакллариининг барчасини луғавий маъносини йўқотиш даражасига кўра қатъий тартибга кўйишининг иложи йўқ. Чунки уларнинг аксарияти кўп маъноли, англатаётган баъзи маънолари мустақил маънолари билан боғланса, айримлари мутлақо алоқадор эмас” (5, 27). Мазкур тадқиқотда тарз шакллариининг даражаланиш парадигмаси билан бир қаторда улардаги гипонимик, синонимик парадигма, нисбатланиш парадигмаси, услубий парадигмаси ва кўмакчи феъл валентлик имконияти тадқиқ қилинади. Мавзунинг турли парадигмаларда таҳлил қилиниши эса ҳаракат тарзи воситаларининг мураккаб лисоний ҳодиса эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

О.Шукуровдан сўнг ҳаракат тарзи шакллари тизими тадқиқотчи Ш.Раҳматуллаева томонидан лингвокультурологик ва социопрагматик жиҳатдан ўрганилди ва бу тадқиқот нафақат морфологик, балки соф лингвистик доирадан ҳам ташқарига чиқди (2). Унинг хулосаларига кўра, ушбу воситалар қўлланиши бошқа грамматик шаклларга нисбатан кўпроқ миллий-маданий характерга эга. Тадқиқотчи таъкидлаганидек, улар қўлланишидаги гендер жиҳат тафовути ҳам бошқа бирликларга нисбатан сезиларлироқ.

Демак, ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи шакллари ўрганилишини уч катта босқичга ажратиш мумкин. Биринчи даврда ҳаракат тарзи шакллари яъни кўмакчи феъллар доирасида ўрганилган, шунингдек, нутқий маъно хусусиятлари эмприк асосларда ажратилган. Иккинчи босқичда тилшунос *кўмакчи феъллар* атамаси *ҳаракат тарзи шаклига* ўзгартирилиб, тарз шакллариининг парадигматик, категориал хусусиятларини очишга муваффақ бўлинди. Учинчи босқичда ҳаракат тарзи шакллариининг қўлланиши лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигида тадқиқ этилди.

Ҳар бир давр фанлар олдида янги вазифалар қўйиш билан бирга, ушбу ҳодисалар моҳиятини тадқиқ этишда замонавий таянч нукталар ҳосил қилади. Формал тилшуносликда кўмакчи феъл доирасида тадқиқ қилинган, структур тилшуносликда морфологик сатҳ доирасида кенгайган, яъни кўмакчи феъл бирлиги равишдош қўшимчаси ва кўмакчи феъл яхлитлиги сифатида ўрганилган бўлса, эндиликда давр бу ҳодисанинг турли сатҳ воситалари орқали

воқеланишини тадқиқ қилишни тақозо этмоқда, бу эса масала моҳиятини тўлиқ англашга ёрдам беради.

“Ўзбек тилшунослигида лисоний ҳодисаларни лексик парадигмалар, морфологик категориялардан фарқли ва кенг қамровли уюшма – функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш энди оммалашмоқда. Маълум бир ҳодиса ифодаси учун лисоний ҳамкорлик, лисоний тўлдириш, мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлади. Бу эса тил ҳодисаларининг аслида функционал-семантик майдон сифатида амал қилишидан келиб чиқади” (6, 6). Шу маънода, ҳаракат тарзи шакллари ҳам янгича, функционал-семантик майдон сифатида муносабатда бўлиш зарурати кучаймоқда. Зеро, ҳаракатнинг тарзини ифодалаш фақат морфологик сатҳ доираси билангина чегараланиб қолмайди. Қолаверса, ҳаракат тарзи шакллари фақат вазифавий маънога эга грамматик шакл эмас, балки лисоний ҳодиса (асосий феъл) моҳиятини очиб берувчи, приватив бўлса-да, зотан луғавий қийматга эга воситалар. Тарз ифода бирликлари бир сатҳ доирасида чегараланиб қолмаганлиги, уларни турли сатҳлардан кидириш, ифодаларни кетма-кет қўйиб, яхлит тизим, структур боғланган уйғунлашган гетероген ҳодисалар сифатида тадқиқ қилиш лозим.

Ҳаракат тарзи воситаларини функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш ҳодиса моҳиятини тўлиқроқ очиб беришига уч нарса асос бўла олади:

биринчидан, юқорида таъкидланганидек, тарз шакли воситалари нафақат морфологик, балки фонетик, лексик, синтактик ва новербал воситалари ҳам учрайди. Ҳаракат тарзининг функционал-семантик майдон сифатида ўрганилиши тегишли сатҳлардаги барча воситаларни изчил тартибга солиш имконини беради;

иккинчидан, маълумки, ҳаракат тарзи шакллари гипонимик ва асиметрик табиатлидир. Яъни, бир тарз маъноси бир неча восита билан ифодаланиши ва бу воситалар турли сатҳга мансуб бўлиши мумкин. Шунингдек, бир восита бир неча хил тарз маъносини бера олади. Айти ҳолатда майдон марказида маъно турса, унинг ифода воситалари маънодошлигига кўра даражаланиши мумкин. Қолаверса, бир маънонинг қандай даражада ифодаланишига кўра воситалар градуонимик қонуният асосида муайян тартибга солинади;

учинчидан, маълумки, ҳаракат тарзи шакллари турли феъл билан бирикканда, унинг луғавий маъноси билан уйғунлашади. Яъни, айти ҳолда, бир шакл турли маънони ифодалаш ва ўз луғавий маъносини йўқотиши ҳам мумкин. Демак, бир шаклнинг турли маъно ифодалаш унинг полисемантик, бир маънонинг турли сатҳ бирликлари билан ифодаланиши эса унинг полиформик моҳиятини очиб беради.

Демак, айтиш билан бир маънони ифодалашга хизмат қилувчи турли сатҳлардаги воситаларни яхлит функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш воситалар тизимини изчил тартибга солишга, уларнинг маънодошлик, полисемантиклик ва даражаланиш хусусиятини яққол кўрсатиб беради. Зеро, “ҳар қандай тил яхлит тизим сифатида мавжуд. Тилни сатҳларга бўлиб ўрганишнинг нисбийлиги назариётчилар томонидан кўп таъкидланган. Чунки лисон нутқда яхлит воқеаланади ва сатҳлар бир-бирига қоришиб, чирмашиб кетиб, унда сатҳларнинг ўзига хос “хисса”сини, “улуш”ини аниқлаш мушкул бўлиб қолади” (6, 17).

Англашилганидек, ҳаракат тарзи нафақат грамматик ёки луғавий шакл билан ифодаланади, балки тилнинг барча сатҳларини қамраб олган, нутқда алоҳида семантик қийматга эга мураккаб лисоний ҳодиса. Шу боис, бу ҳодиса моҳияти сатҳлараро тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ. Қуйида шу ҳақда фикр юритилади.

Ҳаракат тарзи функционал-семантик майдонининг ифода воситаларини сатҳлар доирасида қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) фонетик воситалар;
- 2) морфологик воситалар;
- 3) лексик воситалар;
- 4) синтактик воситалар;
- 5) новербал воситалар.

Айтиш жоизки, ифодаловчи ёки тарз ифода воситаси таркибидаги фонетик ўзгаришлар матн ва оғзаки нутқ доирасида содир бўлиб, соф нутқий табиатга эга. Тарз бир неча турдаги фонетик ўзгаришлар орқали ифодаланиши мумкин;

1) унли товуш чўзилиши орқали ҳаракатнинг секин, бамайлихотир ёки узоқ муддат бажарилганини ифодалаш мумкин. Қиёсланг: *Кетди – кееетди*;

2) ундош товуш қаватланиши орқали ҳаракатнинг кутилмаганда юзага келганини, унинг шитоб билан амалга оширилганини, ёки ҳаракатнинг дарҳол тугалланганини, кўкқисдан тўхтатилганлигини ифодалайди: *Урррр! Қоччч!*

3) Сўз урғусининг кўчиши орқали ҳаракатнинг тарзи ифодаланади: *Жилпанглади, қариллади* каби.

Шунингдек, ҳаракат тарзи лексик воситалар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин. Хусусан, ҳаракатни ифодалаётган феъл матн ёки нутқ контекстидан келиб чиққан ҳолда турли маънодошлари билан алмаштирилиши мумкин. Аниқроғи, феъл ўзагидан ҳаракатнинг тарзи англашилиб туради, бунда у ҳаракат тарзини ифодалашнинг морфологик воситасига эҳтиёж сезмайди. Масалан, *урмоқ, чопмоқ, қопмоқ* феълларининг луғавий маъносидан ҳаракатнинг қисқа

муддатда бажарилганлик маъноси англашилиб туради. Умуман олганда, ҳаракат тарзи морфологик категориясида тадқиқотчилар томонидан ажратилган барча маъноларни феълларнинг луғавий маъноларида учратиш мумкин.

Ўзбек тилида ҳам, бошқа тилларда бўлгани каби, ҳаракат тарзининг синтактик ифодаланиши кўп ва сермахсул. Хусусан, ҳол вазифасида келган тарз (ҳолат) равишлари ҳаракатнинг хусусиятларини ёрқин ифодаловчи воситалардир: *тез ўқиди, секин борди, қўққисдан сўради, бирдан айтди* каби. Шунингдек, гапда кесим ўрни инверсияга учраши ҳам маълум бир ҳаракат тарзи маъносини ифодалашга хизмат қилиши мумкин: *Йўқол кўзимдан!*

Бундан ташқари, тарз маъноси новербал воситалар орқали ҳам ифодаланади. Бунда сўзловчининг мимикаси, юз ифодаси ва ҳатти ҳаракатлари тарз ифода воситаси сифатида намоён бўлади. Масалан, кўз ишораси орқали “тез йўқол” деган маънони бериш мумкин.

Баъзан барча ифода воситалари ҳаракатнинг муайян тарзини турли бўёқларда ифодалашни ёки айтиш бир маънони кучайтиришга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган барча сатҳлардаги воситалар умумий грамматик маънони ифодалашга хизмат қилади. Албатта, тарз маъносидан ташқари мазкур воситаларнинг ўз хусусий маънолари ҳам мавжуд. Аммо, ҳаракат феъли билан биргаликда қўлланганда уларнинг хусусий маъноси кучсизлашади. “Шунга кўра айтиш мумкинки, ҳаракат тарзи шакллариининг хусусий грамматик маъносини одатда контекст ҳал қилади. Маълум бўладиги, умумий грамматик маъно нутққа киритилар экан, у қанчалик қуйиласа, унга бошқа ҳодисалар – турли тил сатҳлари таъсири ҳам муайянлашиб боради” (3, 212).

Кўришиб турибдики, ҳаракат тарзи турли сатҳ бирликлари ёрдамида ифодаланувчи хилма-хил маъноларни қамраб олган мураккаб лисоний ҳодиса ва унинг моҳиятини яхлит функционал-семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш лозим. Демак, ҳаракат тарзи ифодаловчилари нутқда воқеалар экан, нафақат грамматик шакл вазифасини бажаради, балки семантик бирлик сифатида ҳам намоён бўлади. Шу билан бирга, ушбу воситалардаги салбий ёки ижобий сема матн ёки нутқ воқеаланишининг прагматик омили қуршовида намоён бўлади. Ушбу хусусиятига кўра, тарз шакллари матннинг имликатур боғловчилари, яъни белгисиз боғловчилари сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Ҳудди, олмошлар, синонимлар каби тарз ифода воситалари ҳам матн ва нутқнинг мазмуний яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. 6-синф учун дарслик (синов). – Тошкент, 1998. – 164 б.
2. Раҳматуллаева Ш. Ўзбек тилидаги ҳаракат ҳаракат тарзи шаклларининг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. – Қарши: Насаф, 2018. – 96 б.
3. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ФТ, 2010. – 208 б.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар –Тошкент, 1966. – 259 б.
5. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси – Қарши: Насаф, 2017. – 102 б.
6. Элмуродова Л. – Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони. Филол. фан. номз. дисс. – Қарши, 2007. – 114 б.
7. Ғуломов А. Феъл. – Тошкент, 1954. – 88 б.